



МИШЕЛЬ МОНТЕН ИЖОДИДА "ТАЖРИБАЛАР" АСАРИНИНГ ЎРНИ

Qurbonov Umidjon Egamberdiyevich

Самарқанд Давлат Университети мустақил тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5529437>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 15-sentabr 2021
Ma'qullandi: 20-sentabr 2021
Chop etildi: 25-sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

"Тажрибалар", Уйғониш
даври, Лотин тили

ANNOTATSIYA

Таниқли француз ёзувчиси ва файласуфи Мишел Монтен, унинг инсон дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини кузатишларига асосланган уч қисмдан иборат бўлган "Тажрибалар" (фр. Les Essais) китобининг муаллифи сифатида жаҳон адабиёти ва фалсафаси тарихига кирган. Ушбу асар эссе жанрининг шаклланиши Уйғониш даври ва Янги давр фалсафасининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

"Тажрибалар" асари чиқарилгандан сўнг, у тезда кенг китобхонлар аудиториясини забт этди. У муаллифининг ҳаётлиги даврида ҳам бир нечта марта нашр этилди. Фақат дастлабки икки нашр китобхон томонидан совуқ кутиб олинган бўлса-да, ҳақиқий билимдонлар китобнинг аҳамиятини осонгина англадилар ва муаллифни Юнонистоннинг машҳур донишмандларидан ҳам устун қўйдилар. "Тажрибалар" асари шу қадар машҳурлик ва обрўга эга бўлдики, ўтган беш асрда бу йўналишда озгина ўзгаришлар юз берди – ва унга бўлган қизиқиш шу кунгача сақланиб қоляпти.

Мутафаккир умрининг сўнги кунларигача "Тажрибалар" асари устида ишлайди. Унинг вафотидан уч йил ўтгач, яъни 1595-йили китобнинг тўлдирилган варианты эълон қилинади.

Монтеннинг мазкур китоби жанр нуқтаи назардан ўша даврнинг расмий илмийлигига қарама-қарши эди. Лотин тили ҳукмронлик қилган бир даврда бу китоб француз тилида ёзилган эди ва муаллифнинг лотин тилидаги ниҳоятда юқори таълим савияси, ўша пайтдаги университетларнинг фалсафа ва илоҳиётшунослик профессорларининг билимидан устун бўлганлиги, фақат ушбу ҳолатни таъкидлайди. "Тажрибалар" асари адабий-фалсафий жанрида ёзилган илмий рисола эмас, автобиография ёки кундалик эмас, аксинча тақдиротнинг ўзига хос усули ва шакли - эссе - бу дунё, ҳаёт, инсон ва, авваламбор, ўзи ҳақида мулоҳазалардир. Бу ерда муаллиф ўтмиш ва ҳозирги замоннинг турли хил тарихий далиллари, турли хил ёш ва шароитдаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, маданият даражаси ва



жамиятдаги мавқеи ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ҳаттоки бобларнинг сарлавҳаси ва уларнинг мазмуни, ички кетма-кетликлари, эпизодлар, мулоҳазалар ўртасидаги боғлиқлик ҳам китобхонга ҳар доим ҳам равшан бўлавермайди. Бу "Тажрибалар" асарида энг чуқур ички бирлик йўқ дегани эмас, лекин у ташқи белгилар билан эмас, балки фикр бирлиги ва энг муҳими, фикрловчи субъектнинг бирлиги билан белгиланади: бу айнан унинг мулоҳазалари, ички мулоқоти, яна кимгадир озгина мурожаат қилинганлиги ва муаллифнинг шахсиятида - "Тажрибалар" асари саҳифаларида пайдо бўладиган барча қарашлар тизимининг асосий ядросидир.

Монтен "Тажрибалари"нинг асосий моҳияти инсонни ўзи англаш учун ўзига ва ўз онгига тажрибалар ўрнатишга уринишдан иборат. Ахир, инсон ўзининг асосий принципида нарсаларнинг моҳиятини билмайди; "агар биз нарсаларни қандай бўлганлигини билсак, уларни худди шундай қабул қилган бўлар эдик" [10,271]. Ақл-идрок шубҳалар билан доимий ўзаро алоқада иштирок этиш билан бирга, ўз-ўзидан чекиниб, мавжуд бўлган барча нарсаларни тушунишга интилади. Шунини таъкидлаш керакки, айнан Монтень ўзининг "Тажрибалар" асарида Рене Декартнинг фалсафий позициясида фундаментал асос олган янги метафизикага йўл очди.

Монтен таъкидлаганидек, инсон ҳаёт фаолиятини олиб борадиган эмпирик ҳолатлар туфайли доимий ўзгаришга дуч келади. Шахснинг руҳи

ўтиши керак бўлган скептицизм унинг табиатига бўлган эҳтиёждир. Аммо ўз қалбини билиш, инсон яшаши сирини билиш зарурияти қадриятларнинг турлича мослашуви билан тавсифланадиган, ва инсон "мен"ини олдинга силжитадиган янги пафосни акс эттиради, бу оддий одамнинг ҳам, асар муаллифининг ҳам фаол, ҳақиқий кучидир. Инсоннинг ўз-ўзини мутлақ билиши кейинчалик Гегел фалсафасида акс этади, аммо унинг асослари Монтеннинг "Тажрибалари"да яратилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Монтен шахси, унинг ҳаёти, фалсафий қарашлари, "Тажрибалар" асарида ҳаёлий тарзда очилган, бугунги кунда зиддиятлар ва шубҳалар тўқнашувида ранг-баранг бўлиб кўринади, бу охирикват чуқур тортилган ва чуқур синовдан ўтган, ғолиб чиққан фикрларнинг ягона тўхтамига келади. Биз илм-фанга фидойилик билан хизмат қилиш билан ўзини безовта қилишга мойил бўлмаган аристократни, жанобни кўраимиз; шунда биз ҳаётнинг нотинч гирдобларидан қочадиган, фаол эмас, балки тафаккурли табиати нозикин сонни кўраимиз.

"Тажрибалар" асарини ёзиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш натижасида Монтен инсонни камолотга олиб боровчи фазилатларга: ақл, илм, билим, шукр ва сабрни, инсонни тубанлашувига олиб келувчи иллатларга: таъма, ҳасад, бахиллик, ҳирс ва кибрни киритган ҳамда асардаги эсселари билан бу хусусиятларнинг жамият ва инсониятга таъсирини очиб берган. Монтен айтган фазилатларни ёш авлоднинг кундалик фаолияти сифатида онгига сингдириш



уларни баркамол инсон бўлиб
тарбияланишига қўмак беради. Бу
жамият ривожининг асосий омилидир.

References:

1. Монтень Мишель. Опыты. Т. I-III. – М., 1958-1960. С.204.
2. Монтень М. Опыты. – Кн. 1, 2. – М.: Наука, 1979. С.702.
3. Монтень М. Опыты. – Кн. 1, 2. – М.: Наука, 1979. С.76.
4. Монтень Мишель. Опыты. Т. I-III. – М., 1958-1960. С.297.
5. Малиева Т.И. «Опыты» М. Монтеня об искусстве жить достойно / Т.И. Малиева, З.Х. Тотрова // Современные исследования социальных проблем. – 2016. – № 3-3(27). – С.176.
6. Shodiev R., Shodieva S. Features Of The Development Of Jadidism In Turkestan// International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Volume 24 - Issue 10. - Page. 2830-2835. DOI: 10.37200/IJPR/V24I10/PR300299